



“ЎЛИК ЖОНЛАР”



Мактабгача таълим тизимидаги ўғрилиқ бошқа соҳаларда йўл қўйилиши мумкин бўлган ўғриликларга қараганда хавфли ва ёмон. Чунки бу ерда ўзини ҳимоя қила олмайдиган болакайларнинг ҳақи бор. Боланинг оғзидан овқатни тортиб олиш, унга таълим бериш керак бўлган мутахассисни “ўлик жон” қилиб қўйиш — норасиданинг ўша куни керакли озуқани истеъмол қилмаслиги ҳамда керакли билимни ўзлаштирмаслигига сабаб бўлади. Қарс икки қўлдан чиқади, дейишганидек, бу ерда фақат мактабгача таълим муассасалари эмас, балки баъзи ота-оналарда ҳам гап кўп. Боласини боғчага жойлаш учун муассаса билан “келишув” таклиф қилиб, жойлар сони аллақачон тўлган бўлса ҳам “йўл”ини қилиб беришни сўраяпти. Аччиқ бўлса ҳам айтаман, боласини ноқонуний боғчага жойлаштирган ота-она била туриб бошқа болаларнинг ҳақиға хиёнат қилганлардир.

МИЛЛАТНИ ЖАРЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ИЛЛАТ



ВИРУСГА БОЙ “УДУМ”



Тарихий ашёлар ЭЪЗОЗИ

Давлатимиз раҳбарининг “Моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳамиз ходимлари зиммасига катта масъулият юклади. Бу муҳим ҳужжат Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар қўламини янада кенгайтди.



**ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢГ!**

2021 йил 1 июлдан олис ва чекка ҳудудларда жойлашган боғчаларга субсидиялар тўланади.

“ЎЛИК ЖОНЛАР”

“Биров порахўрнинг билагидан оққан мойни “итдай” ялайди; биров “порахўр ҳуркмасдан олсин, бемалол есин”, деб поранинг отини “совға”, “ҳадя”, “тўёна”, “ёрдам”, “қўл ҳақи” қўйиб беради”, деган экан Абдулла Қаҳҳор. Ушбу гап ҳаққа қанчалик яқин? Сиз нима дейсиз?

Сизни билмадим-у, мен ушбу гапга қўшиламан. Барчамизга маълумки, ҳозирги замон миллий ва халқаро ҳуқуқда тобора кўп қўлланилаётган атамалардан бири бу коррупциядир. Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий зарар еткази.

БОЛАЖОНЛАР
“ЎЛИК ЖОНЛАР”
ТАРБИЯСИДАМИ?

2020 йилги текширувлар натижа-сида аниқланган ҳолатлар мактабга-ча таълим соҳасида анчайин ортган. Яна бир тарафи, 2020 йилда аниқлан-ган ноқонуний ўзлаштирилган маб-лағларнинг ҳаммаси шу йилга теги-шли бўлмаслиги мумкин. Одатда, текширувда охириги йиллардаги маъ-лумотлар ўрганилади. Республика миқёсида 2019 йилда 750 нафар, 2020 йилда 446 нафар “ўлик жон” аниқлан-ган. Бу эса аҳолини иш билан таъ-минлаш масаласи “кўндаланг” бўлиб турганда виждонан ишлайман дег-ган мутахассиснинг ўрнини ўз-ўзи-дан банд қилади. Мисол учун, боғча психологи “ўлик жон” бўлса, болалар психологсиз тарбия кўради. Психолог нафақат болани ўрганади, балки бо-ланинг ички имкониятларини очиб беришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Мутахассисларнинг фикрича, боғча ёшидаги болага психолог жуда зарур. Бундай ишга барҳам бермас эканмиз, болалар тўйиб овқатланмайди, билим ололмайди, психолог ва бошқа му-тахассислар кўмагига муҳтож бўлиб улғаяверади.

Охириги вақтларда ижтимоий тар-моқларни боғчаларда содир бўлаётган болаларнинг ҳақини “еиши” каби қо-нунбузарликлар “гуллатяпти”.

Масалан, Тошкент вилояти Чир-чиқ шаҳар МТБ ҳисобчиси томонидан 2019-2020 йилларда 80 миллион сўм пластик карточкаларга пул ўтказиш орқали ноқонуний ўзлаштирилган. Қўрай тумани 26-сон МТТ мудираси томонидан ишламаган сохта ходимлар номига иш ҳақи ёзиш орқали 200 мил-лион сўмдан ортиқ маблағ ноқонуний сарфланган.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Мактабгача таълим бўлимига қарашли 16-сонли МТТда бюджетдан ажратил-ган маблағларнинг мақсадли ишлати-лиши юзасидан текширув ўтказилди. Бу ҳақда мактабгача таълим вазирли-ги Ахборот хизмати хабар берди. Қайд этилишича, ўтказилган текширув на-тижасида, МТТ директорлари томо-нидан 2014-2020 йиллар давомида 37 нафар шахсларни турли лавозимлар-га расмийлаштириб, улар ҳақиқатда ишламаган бўлсалар-да, “ўлик жон” ходимлар номига 983,5 миллион сўм иш ҳақи ҳисобланиб, пластик карта-лар орқали ноқонуний ҳисобдан чиқа-рилган”, дея хабар беради Халқ сўзи. уз. Бу биргина Тошкент вилоятидаги ўранишлар, холос.

Кўряпсизми, давлат томони-дан ажратилган маблағлар қаерга кетяпти...

Мактабгача таълим билан қамров-нинг босқичма-босқич оширилиши ҳисобига болаларни боғчаларга ноқо-

нуний қабул қилиш ҳолатлари ҳам ка-маймоқда.

МАОШ МЕҲНАТГА
ЯРАША БЎЛСИН!

Ойлик маошнинг камлиги мактабга-ча таълим муассасаларида муаммога сабаб бўлаётган масалалардан бири. Хусусан, ошпаз боғчада уч маҳал овқат тайёрлай-ди. Ўтган йилги малумотларга кўра, иш ҳақи ойига 680 мингга ташкил қилади. Боғча мудирасининг маоши эса тахми-нан 1,5 миллион сўм. Ҳатто, тайёрлов гуруҳи тарбиячиларининг ойлиги улар-ниқидан сал кўпроқ экан. Мутахассис-ларнинг таъкидлашича, мактаб таълим тизимида бир туман миқёсида милли-ардлаб маблағ айланади. Давлат ажра-тадиган ва ота-оналар тўлов бадалидан келиб тушадиган маблағлар. Туманда уларнинг ҳисоб-китобини юритадиган бош ҳисобчининг ойлиги 1 миллион 600 минг сўм қилиб белгиланган. Қолган ҳи-собчиларнинг ойлиги эса ундан ҳам кам. Бундай паст ойликка малакали ҳисобчи-ларни ишга олиб бўлмайдиган ёки улар та-жриба тўплагач, бошқа жойга ишга ўтиб кетиш ҳолатлари кўп кузатилади. Бу ҳам ҳисоб-китоб тизимида ноқонуний ҳара-катлар кўпайишига сабаб бўлиши таби-ий. Боғчалардаги коррупцион ҳолатларга ходимларнинг ойлик маоши камлиги ҳам сабаб бўлаётгандир. Ёки кўзи тўқ киши ҳар нарсага суқланавермайди, бир одам бир нарсага бўлса, унга ҳавас қилмай-ди дейишганини инкор қилиб, баъзилар “ҳавас” ортидан “нафс” отида чопапти.

ҚАНДАЙ ЕЧИМ ДАРКОР?

Фикри ожизимча, тизимга ахборот тех-нологияларини кенг жорий этиш, харид ва ҳисоб-китоб тизимини содаллаштириш ва очиқ қилиш, бўш иш ўринларини тў-лиқ очиқ тарзда эълон қилиб бориш, қўйи тизим ойлик иш ҳақларини қайта кўриб чиқиш, тизим ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ноқонуний ма-блағ ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Бу соҳани коррупциядан холи қили-шимиз керак. Бунга биргина вазирлик, уч-тўртта мутахассис билан эришиб бўл-майди. Ота-оналар ҳам фарзандини би-ровнинг ўрнидан, “келишиб” боғчага бе-раётганда бола келаганини обдон ўйласа, ёмон бўлмасди. Чунки жамиятимизда ҳам шундай онг шаклланиб борапти. Ишимиз битмадими дарров “келишув” таклиф қи-ламиз. Вақтида муолажа этилмаган дард, табиийки, сурункали ҳасталикка айланиб кетади. Шоир айтганидек: “Яшаб бўлмайд-ку, ахир энгашиб”. Қачонгача корруп-цияга бўйин эгиб яшашимиз керак? Бир ками болалар келаганини ҳам коррупция билан қурсак? Ота-она, юртдош сиз ҳам ўйлаб кўринг. Замон тарозисида корруп-циянинг босаётган юки “узоқ”қа бормай-ди. Бундай даққи қарашлар оқибатидан қутулишимиз зарур.

Муроджон РАҲМАТОВ



Давлатнинг конституциявий асос-лари ва қонун устуворлигини за-ифлаштиради, яъни инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлиши-га сабаб бўлади. Энг ёмони, ижтимо-ий тенгсизликни чуқурлаштирувчи иллатдир. Афсуски, кейинги пайтда нуридийдаларимиз ошённи, келажак бошланадиган масканда ҳам корруп-ция ва талон-торожлик иллатининг “илдиз отиши” кўнгилни хира қи-ляпти.

Мактабгача таълим тизимида-ги ўғирлик бошқа соҳаларда йўл кў-йилиши мумкин бўлган ўғирликлар-га қараганда хавфли ва ёмон. Чунки бу ерда ўзини ҳимоя қила олмайди-ган болакайларнинг ҳақи бор. Бола-нинг оғзидан овқатни тортиб олиш, унга таълим бериш керак бўлган му-тахассисни “ўлик жон” қилиб қўйиш — норасиданинг ўша куни керакли озукани истеъмол қилмаслиги ҳамда керакли билимни ўзлаштирмаслигига сабаб бўлади. Қарс икки қўлдан чиқа-ди, дейишганидек, бу ерда фақат мак-табгача таълим муассасалари эмас, балки баъзи ота-оналарда ҳам гап кўп. Боласини боғчага жойлаш учун му-ассаса билан “келишув” таклиф қи-либ, жойлар сони аллақачон тўлган бўлса ҳам “йўл”ини қилиб беришни сўраяпти. Аччиқ бўлса ҳам айтаман, боласини ноқонуний боғчага жой-лаштирган ота-она била туриб бошқа болаларнинг ҳақиға хиёнат қилган-лардир. Чунки бундай ота-она боласи учун боғчада овқат тайёрланмаслиги ҳамда рўйхатга киритилмаганини би-лади. Расмий йўлланма билан қатна-ётган ҳар бир бола ҳисобланиб, улар-га белгиланган меъёр асосида овқат тайёрланади. Ноқонуний қатнайди-ган бола сони эса таомномага қўшил-майди ва улар расмий қатнаётган бо-лаларнинг ҳақидан овқатланади. Яна бир масала, рўйхатга киритилмаган болага нимадир бўлса, бунга ким жа-воб бериши ҳам савол остида. Ҳай-ронман, бунга қандай тик кўз билан қараш мумкин-а?! Ё замона йўриғи шу экан, дея “аҳли тужжорнинг ошиғи олчи бўлган”и ва боғчаларга корруп-циянинг кириб боришини табиий ҳол тарзида кузатмоқ керакми?

Ушбу мулоҳазаларга тўхтала туриб, Нажиб Маҳфузининг “Қалампир” ном-ли ҳикоясидаги воқеалар ёдимга туш-ди. Воқеаларни сизга ҳам баён этсам: “Бахт” дея аталган чоғроққина бир қаҳвахонада диққатга сазовор “гарой-ибот” дея таърифланадиган ўн икки ёшлар чамаси болакай қаҳвахонада эртадан то тун ярмигача столлар ора-

сида югургилаб, лов-лов чўғ ташийд-и. Боланинг асл исми — Таҳа Санкар, аммо қаҳвахонада ва бу теваарак-а-трофда у “Қалампир” лақаби билан машҳур. “Қалампир” лақабини унга қаҳвахонадаги кашандалар “ёпишти-ришган”. Аммо лақаб унга ҳақиқатдан ҳам ярашади: чаққон, кўзи ўткир, ҳар бурчакда ҳозир нозир. Ифлос қаҳва-хонанинг бўғиқ ҳавоси “Қалампир!” деган бақир-чақирлардан лазрага келади. Бола бир йилдан бери шу ерда ишлайди. Кунига бир кирш пулдан ташқари, нонушта ва тушликка бир стакан чойни текинга ичар эди. Гоҳо эса биронта кашандалдан кейин қолган чилимдан бир-икки марта қуриллатиб тортишга ҳам ҳадди сиғарди. Шулар-нинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Қалам-пир ўзини омади чопмаганлардан деб билади. Аммо қаҳвахонада мунозара-лар қизигандан қизийди. Қалампирга худди шунақаси керак! Бир гуруҳ тала-балар келиб, суҳбат бошлади. Ҳар за-монда “Фалончини айт! Уйда тўкин базм... даромадининг манбаи... фалон-чи...ҳалигичи... Шу орада “Эй, қисса-вурдан ўғригача тап тортмайди!” дея бақириб қолди. Қалампир баҳслар-нинг маъносига етиб қолади.

Энди унга талабалар гапидаги баъзи ажнабий сўзлар ҳам илгари гашини келтирадиган илмоқди иборалар ҳам халақат бермасди. Зап топиб гапиряпти: “Ўғрилик расмга айланган”, “Ўғри, коррупционерларнинг ошиғи олчи!” Қалампир бунга яхши билади, яхши тушунади, ўзи ҳам ўғри эмасми?! Чунки онаси ҳам, ниста сотиб келаётганида, тор кўчада адашиб юрган жўжаҳўрозни қўйнига жойлаб қайтади... Отаси-чи? Кундузи бодомфуруш, кечаси эса томма-том сакраб, бировларнинг арқондаги кирларини...

Қалампир бора-бора оиладаги муҳит: ота-онасининг ўғри ва қал-лобликларига гувоҳ бўлиб, ҳеч ким ўғрилик қил деб мажбурламаса ҳам ўғри бўлиб етишди, етишди эмас оиладаги муҳит, ота-онанинг “қи-лиқлари” етиштирди. Кўряпсизми-ки, ота-онанинг қилаётган ишлари фарзанднинг жамиятда ким бўли-шини белгиляпти. Бугунги қила-ётган авлоднинг хато ва ўғриликлар-ига келажак авлодни жавобгар ва жабрдийда қилиш ўзлигимизни со-тишдек гап.

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ ЭМАСМИ?

Тилимизга бўлган эътиборни жуда юқори деб бўлмайди. Бу ҳақда кўп гапирилди. Муҳокамалар бўлиб ўтди. Аммо ўша гапирилаётган гаплар ёки ўтказилаётган мунозарали йиғилишлар ҳаммаси шу жойнинг ўзида қолиб кетмоқда. Мутахассислар томонидан турли таклифлар билдириляпти, бироқ амалдачи?! Нимадир ўзгардим? Тилимиз бўйича жон куйдириб гапирётганларнинг гапи реал ҳаётда қанчалик ўз тасдиғини топмоқда?

Яқинда Қонунчилик палатасида Миллий тикланиш партиясининг томонидан “Давлат идораларига мурожаат ўзбек тилида бўлиши кераклиги” ҳақидаги таклифи мақулланмади. Депутатларнинг 48 нафари ушбу таклифдан рози бўлса, 58 нафари қарши овоз берди. Қарангки, 5 нафари бетараф. Миллий тикланиш фракцияси раиси Алишер Қодиров “Давлат идораларига мурожаатлар давлат тилида бўлсин, бошқа тилда бўлса, давлат тилига таржимаси илова қилинсин, мурожаатларга жавоблар давлат тилида бўлсин”, деган таклиф билан чиққан. Аммо депутатларнинг кўпчилиги бу таклифга қарши чиқди. Бу ўз юртида ўз она тилини қадрсизлантириш, дея жуда кўп муҳокамаларга ҳам сабаб бўлди. Мутахассислар томонидан турлича танқидий фикрлар билдирилди.

Йиғилишдан сўнг ушбу ҳолат бўйича ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси депутат Дониёр Фаниев ўз фикрларини билдириб ўтганди. “Давлат тили ўз номи билан давлатнинг фуқаролар билан расмий мулоқот тили бўлиши керак. Фуқароларнинг ўзаро шахсий мулоқот тилини эркин танлаш ҳуқуқини кафолатлаш билан расмий мулоқоти давлат тилида бўлиши муҳим. Акс ҳолда давлат тилини тушуниш ва ўрганиш эҳтиёжи ҳеч қачон яратилмайди”, деганди.

Тилимизга бўлган ҳурматни, эътиборни депутатларимиз кўрсатиб кўйишди. Юқоридагилар шундай хулосага келиб турганда халқ нима қилсин?! Онгли, тафаккур даражаси етарли бўла туриб, шу қарорга келиши бу ўз тилига ҳурматсизлик, тилимизнинг обрўсини тўкиш эмасми?

Йиғилиш сўнггида Алишер Қодиров “Бир ҳамкасбимизнинг “Бизга ва фарзандларимизга ўзбек тилини ўрганиш қийин, биз ўз тилимизда мурожаат қилишни хоҳлаймиз”, деган гапи ҳам гурурига тегмаган 65 нафар депутат...

Бу масалага, ўлмасак, 10 йилдан кейин қайтарканмиз. “Ҳозирча узр, овозимиз камлик қилипти”, дея депутат ўз фикрларини яқунлаган.

Шу воқеа бўйича Филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев ҳам газетамиз саҳифалари ва Рост 24 интернет сайтига аччиқ интервью берганди: “Биз ўзининг уйида, ўзининг тилида гапиришни истамайдиган одамларни депутат қилиб қўйган халқмиз. Депутат дегани миллат вакили дегани. Мен ана шундай одамларга овоз берганим учун, ана шундай одамлар билан бир жойдан нафас олаётганим учун, шулар билан ўзбек деган миллатнинг номини ташиётганим учун номус қиламан.

Мен ана шундай одамларга овоз берганим учун, ана шундай одамлар билан бир жойдан нафас олаётганим учун, шулар билан ўзбек деган миллатнинг номини ташиётганим учун номус қиламан.

Ташқаридан келган ёвларга қуролли кучларни қарши қўйиш мумкин экан-у, ичиндан чиққан душманга, ўзини англамаган манқуртларга қарши туриш бизнинг миллатимизнинг қисматида бор экан-да. Мана шундай вақтда миллат уйғонмоғи керак. Лекин миллатнинг энг илғор қисми, миллат вакиллари шу аҳволда бўладиган бўлса, бу миллатнинг келажаги ҳақида ёмон хавотирларга тушишингиз мумкин. Ўзининг фарзандларига эмас номаълум бўлган кимларгадир ноқулай бўлмаслигини истайдиган бизнинг “Меҳрибон” миллат вакилларимиз 30 миллиондан ошиқ ўзбекнинг юзига оёқ қўйди. Ўзбекнинг пули ҳисобига кун кўриб туриб, шуларнинг кўкрагини кўтариб, истаган бир идорага тап тортмай кириб, ўзининг тилида ёзиб юриш имкониятини чеклашга ҳаракат



қилипти булар”.

Нақадар аламли гаплар. Шу интервьюни кўрган ўша “Айрим” депутатлар халқнинг олдида қандай бош кўтариб юрар экан-а? Қизиқ-да. Халқ учун ишлаб, уларга қулайликлар яратиш ўрнига бизникилар унинг тескарини қилади. Бизда нега бошқа тилларга нисбатан ҳурмат, эътибор юқори, чунки ўша тилни билган одам ҳар қандай давлат идораларида бемалол ишлай олади. Ўз она тилимизга бўлган ҳурматнинг йўқлиги, биринчидан, ўша чет тилларига бўлган талабнинг юқорилиги, иккинчидан, бизнинг одамлар ёки амал пиллапоясидаги айрим шахсларнинг ўз тилини менсимаслиги. Улар она тилида гапирса, гўёки, обрўсига салбий таъсир қилади. Рус тили ёки инглиз тилида гапириш “Крутой” қилиб кўрсатади. Улар она тилида гапирмасликни фахр деб тушунишади. Буни тан олишимиз керак.

Оддий одамларни ўз тилига бўлган меҳр-муҳаббатини уйғотиши лозим бўлган халқ вакилларининг бу қарори келажақда

тилимизнинг янада қадрсизланишига олиб келмайдими?! Бошқа миллат вакиллари ўз тили, маданияти, тарихини асраб-авайлаш йўлида қанчадан-қанча ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда Россия бош вазири Михаил Мишустин мигрантларга нисбатан бир қатор талабларни тасдиқлади. Унда Россияда ишлашга рухсат олиш ёки патент олиш учун мурожаат қилган чет элликлар томонидан рус тили, Россия тарихи ва қонунчилигининг асослари бўйича билимларга эга бўлиши белгиланди. Ушбу билимлар бўйича улар имтиҳон қилинади. Меҳнат мигрантлари кундалик ҳаётда баъзи соҳалар бўйича маълумотларни қабул қила олиши, ўқиши, талаффуз қилиши шарт қилиб қўйилди. Яна кўшимчасига улар ҳужжатлар, бланklar ва аризаларни тўлдиришни билишлари керак бўлади. Қанча ёшларимиз у ёқларда ишлаб юргангани, ишга кетаётганини эса барчамиз биламиз!


Биздаги вазият ва Россия давлатида бўлаётган ҳодисалар бир-бирига тескари эканлигининг гувоҳи бўлдингиз. Бизда нега тилимизнинг ривожини учун бирон иш қилинмайди. Кўча-

ларда чет эл ёзувлари билан номланган дўконлар кўпайса кўпаймоқда-ки, камайгани йўқ. Бу тўғрисида жуда-жуда кўп баҳс-мунозаралар бўлди. Бугун тил бўйича ёниб-куйиб гапирётган қайсидир соҳанинг вакили эртага менинг бунга нима алоқам бор деб юраверади. Агар унинг гапларини ўзига эслатсангиз, барчаси ичи бўш гаплар эканлигини билиб оласиз. Кимнингдир ёки кимларнингдир олдида ўз тилининг фидойиси қилиб кўрсатадиган одамдан ҳеч нима кутиб бўлмайди. Аксинча, бир четда жим ўтириб, шу гапларни амалда жимгина бажарган одамдан халқ манфаатдор бўлади. Биз нега ўз тилимиздан ташқари тарихимизга, маданиятимизга бефарқмиз. Биттаси ҳаёсизларча улуг саркарда бобомизнинг ҳайкали олдида беандиша гаплар гапирса, биттаси ҳазрат Навоий бобомизнинг ҳайкали олдида онгсизларча бақриб аҳмоқлик қилса. Бу тарихимизнинг аҳамияти йўқолишидан дарак эмасми?

Россия, ҳатто, оддий мигрантларга ўз тили, маданияти, тарихини ўрганишни талаб қилиб қўйганда, биз нега бугунги етишиб келаётган ёшларга ўз ватанининг тарихини, маданиятини билишига ундамаймиз? Ёки оддий она тилимиз мисолида тарихимиз, маданиятимиз ҳам завол топиб бораверадими?

Ўз юртида ўз халқини хор қилаётган миллат вакиллари билан нимадир кутиш даргумон бўлиб қолди. Ўзини ўзи хор қилган одам ботқоққа ботади. Уни на биров ҳурмат қилади, на иззат қилади. Қачондир жон таслим қилганда ўша ботқоқдан чиқмаса, бошқа вақт бунинг имкони бўлмайди.

Жамшид АМИРОВ



Россия, ҳатто, оддий мигрантларга ўз тили, маданияти, тарихини ўрганишни талаб қилиб қўйганда, биз нега бугунги етишиб келаётган ёшларга ўз ватанининг тарихини, маданиятини билишига ундамаймиз?



Ушбу кўш саҳифа Олий Мажлис ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИҢ!

Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳамда Тўдакўл кўлида рекреацион кўллар ҳудуди ташкил этилади.

"БЕМАҲАЛ КЕЛГАН АЖАЛ"

Қишда совуқдан, ёзда эса иссиқдан қочамиз. Ёзнинг жазирама, куйдирадиган кунларида муздек сувигина тафтимизни олади. Болалигимда бобо-бувиларимнинг дуога қўл очганларида: "Ўт балосидан, сув балосидан асрасин", дейишлари ёдимда.



Ҳа, ростдан ҳам бу кўринмас ёвлардан асрасин экан. Жонимизга оро кираётган сув қисқа дақиқалар ичида жонимизни олади ҳам. Очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, каналлардан тўғри фойдаланмаслик оқибатидан неча-неча инсонлар ҳалок бўлишяпти. Оммавий ахборот воситалари орқали фалокатнинг сабаблар, оқибатлари бот-бот айтилгани билан камайиш ўрнига кундан-кунга кўпаймоқда.

"Канал"нинг лабида бир муштипар она кўз ёш тўкиб: "Амирхон, ўғлим, бўлди чиқақол энди, кўп чўмилининг, шомоллаб қоласан, жоним ўғлим.....Амирхоним чиқ.....", дея фарёд чекапти. Гўё, чўкиб кетган 18 ёшли ўғлон: "Хўп бўлади, ҳозир чиқаман, онажон!", деб онасининг бағрига отиладигандек... Фарзанд доғини ҳечкимнинг бошига солмасин.

2021 йил 6 июнь. Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидан оқиб ўтувчи "Қорасув" каналига чўмилиш учун тушиб қайтиб чиқмаган Амирхон Умрзоқов эндигина мактаб-

ни тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўйган эди. Амирхонни қидириш ишлари кетаётган вақтда унинг амакиси, беш фарзанднинг отаси, шириндан-шакар набираларнинг бобоси Иброҳим Облоқулов ҳам орадан тўрт кун ўтиб, шу канал сабабли оламдан ўтди. Амирхон эса ҳали ҳамон топилмади. Катта бир оиланинг икки аъзоси бахтсиз ҳодиса туфайли яқинларини зор қақшатди.

Тасаввур қилинг, бўй-баста келишиб, кўркам йигитга айланган, ўғлингиз, акангиз, укангиз, ёнингиздаги меҳрибон турмуш ўртоғингиз ёки отангиз шу аҳволга тушишса ёки сиз ечиб қолдирган кийимларингизни оилангиз кўчиб йиғласа. Ҳа, этингиз уюшиб, музлаб кетасиз. Афсуски, сув ҳавзалари ва чўмилиш ман этилган жойлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида қанчадан-қанча инсонлар жигарбандларидан, меҳрибонларидан айрилишмоқда.

Муҳаббат БЕКҚУЛОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

ВИРУСГА
БОЙ "УДУМ"

Бугун тўйларимизда урф-одату анъаналар шунчалик кўпки, аксариятини ўзимиз ўйлаб топиб, ота-боболаримиздан қолган дея ўзимизни овутамиз. Бу гапда ҳам жон бор.

Ҳар вилоятнинг ўзига яраша тўйлари ва ундаги ўзгача одатлари бор. Тошкент тўйларида кўп кўрганмиз: куёв навқарида ҳамма уйланмаган йигитларга куёв ўз қўли билан ош едиради. Бобомнинг айтишича, бу анъана азалдан мавжуд бўлиб, уйланмаган йигитлар ҳам гўшангага куёв бўлсин деган мақсадда қилинар экан. Бунинг нимаси ёмон, дейишингиз мумкин. Чунки азалий урф-одатларимиз қадриятга айланиб улгурган. Лекин бугунги кунда бу қадриятлар ўзини қанчалик оқлаяпти? Қадрият экан, ота-бобомиз қилган экан, деб эшитганимизни амалга ошираверсак, тўғри-нотўғрилигини фикран англамасак, оқибат қандай бўларкин?

Умуман, ошатиш маросими бугунги замон гигиенасига қай даражада маъқулланади? "Илгарилари бугунгидек кўп ва даволаб бўлмас касалликлар бўлмаган. Даволаниш учун ишлатиладиган дорилар ҳам бугунгидек кўп эмасди. Иситма дори, ич оғриқ дори, бош оғриқ дори... каби санокли бўларди. Ўшаларни ичиб тузалиб кетаверардик.", дейди бобом.

Биобарин, бугунги глобал шароитда, касалликлар кўпайган, айниқса, пандемия даврида бунақа ошатиш соғлиқ учун жуда катта хавф туғдиришини барчамиз англаб турибмиз. Лекин шу кунларда ҳам бу одат тўхтатилгани йўқ. Яқинда маҳалламизда бўлган тўйда куёв навқарларни кузатдим. Эртага мен ҳам куёв бўламан ахир. Унда фақатгина шу ошатиш маросими



мени ўйга толдирди. Шовқин-сурон билан талашиб-тортишиб, навбат кутаётган йигитлар куёв ёнидан айланишмоқда. Ҳамин қадар гигиена учун бир қўлида салфетка тутган куёв ғайрат билан "вазифаси"ни бажаряпти. Бир ошатади, бир қўлини артади. Қўлсочиқ ўзида қанча микробларни сақлаб, кейингисига "тақдим" қилади. Тўғриси, буни мен хоҳламасдим. 25-30 чоғли йигитнинг оғзига кириб чиққан қўлдан ош емаган бўлардим. Балки шу боис Тошкентда касалланишлар миқдори қолган шаҳар ва вилоятларга нисбатан баланддир!

Шу сабабдан айни касалликлар кўпайган даврда шу ва шунга ўхшаган анъаналарни орта сурмоғимиз, иложи бўлса, шу баҳона воз кечмоғимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ахир, анъаналар, одатлар ҳам даврга қараб ўзгартирилмайдими? Тарихимиз бўлмиш удум ва анъаналарни ёмонлаш нияти-миз йўқ. Тарихсиз келажак йўқ дея бекор айтишмаган. Аммо ҳамманинг ҳаёти ўзи учун қадри экани ва уни ўзигина асрай олишини айтмоқчимиз, холос!

Улугбек ЭШДАВЛАТОВ,
Шайхонтоҳур туманидаги 39 мактабнинг
9 синф ўқувчиси

Лойқа сувни тиндириш —
ўз қўлимизда!

Аммо бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган интернет бизни тасаввур ва тафаккур қилишдан маҳрум қилмоқда. Бундай имкониятдан маҳрум бўлган айрим кимсалар эса ижтимоий тармоқларда машҳур бўлиш илинжида ҳар хил аҳмоқона ишларга қўл уришяпти. Ачинарлиси, ушбу қилғилиқлар орасида инсонни ғазабга келтирадиганлари кўплаб топилади. Мисол учун, энаганинг бир ёшли гўдакни электрошокер билан қийноққа солгани, Алишер Навоий ҳамда Мотамсаро она ҳайкали олдида куракда турмайдиган хатти-ҳаракатлар содир этилгани ва 9-13 ёшлар атрофидаги болаларнинг итнинг бўйнидан арқон билан боғлаб дарахтга осгани кенг жамоатчиликни ҳам ғазабга, ҳам чуқур қайғуга солди.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларни кузатсангиз кўплаб кўнгилсиз ҳодисаларнинг, хусусан, одамларнинг турли даражада оғир тан жароҳат олгани, автоҳалокат қурбони бўлгани, гуруҳлар ўртасидаги ўзаро жанжаллар тасвирига гувоҳи бўласиз. Ушбу видеоларни кимдир ҳаммани қойил қолдириш, яна кимдир мўмай пул топиш мақсадида олгани рост. Бироқ инсон азобланаётган пайтда унга далда бериш, ёрдам кўрсатиш ўрнига телефони хотирасига олаётган кимсаларни ким деб аташ мумкин?

Тўғри, ҳеч ким қила олмаган ишларни бажараётганларни, турли ҳалокат-у, кўнгилсиз ҳодиса ва вазиятларни кузатиш инсон табиатида хос. Аммо ҳар нарсани ўзида синаб кўришга интиладиган ёшларни кўнгилсизликларга эш тасвирлардан ҳимояламоғимиз жуда муҳим.

Шу ўринда савол туғилади, ижтимоий тармоқларда машҳур бўлиш, "қора реклама" бизда қачондан авж олди? Нега ёшлар

енгил-елпи, тутуруқсиз видеолар олиб, ижтимоий тармоқларда тарқатишга шунчалар берилиб кетишди? Ушбу вазиятда салбий иллатларга қарши бизда қандай тасирчан чоралар мавжуд?

Фикримни бир мисол билан изоҳласам: Икки стакан сув олайлик. Бири лойқа, бири тиниқ. Агарда иккаласини аралаштирсак, нима бўлади? Ярим лойқа ёки ярм тиниқ сув бўлади, дейишга шоманг. Бу сувни биз лойқа сув деб атаемиз. Сабаби, шишадек тиниқ бўлмаган сув ўз номи билан лойқа деб аталишига маҳқум.

Яна бир ҳолатда эса бир бочка тиниқ сувга бир стакан лойқа сувни аралаштиринг. Энди сувнинг тиниқ ҳолати сақланиши аниқ. Демокчи бўлганимиз, айнан ижтимоий тармоқларда маънавий-маърифий дастурларимизни ошироғимиз лозим. Улар юқоридаги каби кўнгилсиз тасвирлар акс этган видеоканаларнинг ўрнини босиб кетсин. Ахир жаҳолатга қарши маърифат тантанаси тайин эканлигини биздан аввалги олимларимиз ҳам бир неча мартаба таъкидлаб ўтишмаганми?

Шунингдек, масаланинг яна бир ечими инсонда болаликдан китобга меҳр уйғотишдир. Бунда ишимизни фарзандимизга яхши китоб совға қилишдан бошламоғимиз зарур. Қолаверса, муаллимлар бу борада фаоллик кўрсатишлари лозим. Улуғлардан бири бежизга "Китобдан яхши дўст йўқ" деб таъриф бермаган.

Хусан АБДУНИЯЗОВ,
"Юксалиш" умумиллий
ҳаракати

Жиззах вилояти ҳудудий
бўлимаси раҳбари, халқ
депутатлари вилоят Кенгаши
депутати

Тарихий ашёлар ЭЪЗОЗИ

Давлатимиз раҳбарининг “Моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳамиз ходимлари зиммасига катта масъулият юклади. Бу муҳим ҳужжат Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Қарор музей ходимлари олдига олимлар, халқ усталари, реставраторлари, экспертлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш вазифасини қўйди. Таъмиршуносликдаги ўзига хос услуб, анъана ва мактабларни ривожлантириш, жамоатчилик назоратини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш борасидаги янги вазифаларни белгилаб берди. Соҳага давлат-хусусий шериклик механизмларини, инновацион ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш, электрон хизматларни ривожлантириш зарурлигини кўрсатди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ўртасида Жанубий Корея Республикасининг Маданий мерос департаменти билан меморандум имзоланганини айнан мазкур қарор ижроси йўлидаги жиддий ҳаракатлардан бири дейиш мумкин. Бундан кўзланган мақсад, энг аввало, Ипак йўли маданий меросининг сақланиши ва тадқиқ этилиши бўйича маълумот ҳамда тажриба алмашинувиға қаратилганидир.

Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи фондида сақланаётган этнографик ва археологик ашёларни ҳамда Афросиёб музейи деворий суратларини реставрация ва консервация қилиш бугуннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бунинг учун музей таъмирлаш

лабораториясини замоний ускуналар ва кимёвий материаллар билан таъминлаш зарур.

Таъмирлашда ишлатиладиган замонавий асбоб-ускуналар ва турли хил кимёвий материаллар Жанубий Корея Республикасидан Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси таъмирлаш лабораториясига келтирилди ва ўрнатилди. 2021 йилнинг 9 февралда бўлиб ўтган очилиш маросимида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Кан Чже Квон, мазкур лойиҳа бўйича вакил Жисео Ким иштирок этди.

Айтиш керакки, мазкур замонавий ла-

Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи фондида сақланаётган этнографик ва археологик ашёларни ҳамда Афросиёб музейи деворий суратларини реставрация ва консервация қилиш бугуннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бунинг учун музей таъмирлаш лабораториясини замоний ускуналар ва кимёвий материаллар билан таъминлаш зарур.

боратория Ўзбекистон музейлари орасида илк бор ташкил этилди. Бироз муддат ўтиб, Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида Республика музейлари ўртасида “Музей ашёларини реставрация қилиш ва тиклаш ишларининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Эндиликда ускуналарни ишлатиш жараёнлари, асбоб-анжомлардан фойда-



ланиш, кимёвий моддаларни тайёрлаш ва уларни қайта ишлашда амалий-назарий мастер-класс дарслари ва тажриба алмашиш дарслари учун корейлик реставраторлар Самарқанд давлат музей қўриқхонасига келишди. Метал ашёларни таъмирлаш бўйича мутахассис металл ашёларни механик ва кимёвий тозалаш, консервация қилиш, таъмирлашни босқичма-босқич олиб бориш борасида 10 кун давомида амалий-назарий мукамал мастер-класс дарсларни олиб борди.

Лабораторияда иш жараёнини бошлашдан олдин ҳар бир реставратор ашёга зарар етказмаслик мақсадида қўлдаги соат, узук ва ортиқча нарсаларни ечиб, махсус қўлқоп ва ниқобдан фойдаланади. Техник хавфсизлик қоидаларга асосан стол устига юмшоқ қоплама тўшалади. Ашё дастлаб контейнер идишларга солинади ва микроскоп орқали текширилади. Шундан кейин реставрация ишлари бошланади.

Корейлик мутахассислар ҳар бир дарса металл ашёларнинг намойиши ва сақлашдаги намлик даражаси, стабиллаштиришда кимёвий қоричмаларни тайёрлаш ҳамда бронза ашёларини барқа-

дорлаштиришда кенг ишлатиладиган кимёвий моддалар, стабиллаштиришдаги моддаларнинг такроран олиб борилишидаги қоидалар билан таништиради.

— Самарқанд давлат музей-қўриқхонасидаги дарс жараёнлари кўтаринки кайфиятда олиб борилди. Натижалар жуда яхши. Таклифларим ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида реставратор иш олиб борса, келажакда юқори натижаларга эришиш мумкин, — деди И Юн Жунг.

Самарқанд маданияти тарихи давлат музейи захирасида сақланаётган тарихий ашёларнинг бадиий қийматини сақлашда ва келгуси авлодга етказишда амалга оширилган ушбу замонавий лаборатория ва мастер-класс дарслари муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жанубий Корея мутахассислари билан бу каби ҳамкорлик мамлакатимиз илмий салоҳиятининг янада кучайишига, тадқиқот инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ маданий алоқаларнинг давом эттирилишига йўл очмоқда.

Хилола АРТИҚОВА,
Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси
реставрация бўлимининг расом
таъмирловчи ходими

Долзарб мавзу



НАРХ-НАВО КИМНИНГ НАЗОРАТИДА?

Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида автотранспортларнинг роли беқийс. Уларнинг бир маромда, узлуксиз ишлаб туриши учун эса ёқилғи-мойлаш, эҳтиёт қисмлари учун зарур маблағ талаб этилади.

Албатта, ёқилғи-мойлаш ҳамда эҳтиёт қисмларига бўлган талаб жуда катта. Уларнинг нархи эса кундан-кунга ошиб борапти. Бу масалага мутасадди ташкилотларнинг жиддийроқ эътибор қарати-

ши бугунги кун талабига айланган. Айтиш жоизки, шу кунларда юк ташувчи транспортларнинг галла ўрим-ийғимига, яна бир тоифа транспортларнинг эса қурилиш-бунёдкорлик ишларига жалб

этилганлиги бор гап. Ҳайдовчилар ва тарнспорт ходимлари билан суҳбатлашсангиз, ҳақиқатдан ҳам ёқилғи-мойлаш харажатларининг жуда ошириб юборилганидан шикоят қилишади.

— Ўттиз йилдан буён юк ташувчи автотранспортни бошқараман, — дейди Абдуваҳоб Позилов. — Аммо транспортнинг бир маромда



ишлашини таъминлаш учун зарур ёқилғини, эҳтиёт қисмларини сира аямаслик керак. Нарх-наво эса кундан-кунга ошиб кетаяпти. Ҳеч бўлмаса, ҳозирги ўрим-ийғим пайтида мутасаддилар сал эътиборли бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Чиндан ҳам ҳайдовчининг куюнчаклик билан айтганича бор. Ўтган йилги сарф-харажатлар бу йилгисига тўғри келмайди. Газ, дизель ёқилғиси, ёқилғи-мойлаш ва эҳтиёт қисмлари нархи кескин кўтарилган, хизматлар ҳаққи эса ўша-ўшалигича қолган. Фараз қилинг, ўтган 2020 йилда 1 м³ газ 2300 сўм этиб белгиланган бўлса, жорий


йилда бу нарх 2700 сўмни ташкил қиляпти. Ўтган йили 1 литр дизель ёқилғиси 4800 сўм этиб белгиланган бўлса, ушбу йилда бу кўрсаткич 6000 сўмни ташкил қиляпти. Ўтган йили 1 литр мой 11000 сўм, ушбу йилда эса 15000 сўм этиб белгиланган. Эҳтиёт қисмлари нархи ҳам сезиларли равишда 20-40 фоизга ошган. Ваҳоланки, хизматлар кўрсатиш нархи эскилигича қолмоқда. Айниқса, ўрим-ийғим пайтида юк транспортлари учун бу ҳолат яққол сезилмоқда.

Демак, автокорхоналарнинг, транспорт ташкилотларининг манфаатини кўзлаган ҳолда Молия вазирлиги, тегишли мутасадди ташкилотлар юк тарнспортларида дон ташиш учун ягона тарифни жорий этишлари зарур бўлиб турибди. Хизмат ҳаққи билан ёқилғи ресурслари нархи ўртасида мутаносиблик бўлиши керак эмасми? Мутасадди ташкилотлар бунга нима дейишаркин?!

Ашурали БОЙМУРОД

ҚИСКА
САТРАРДА
ЎҚИҢ!

Эндиликда Ўзбекистонда туғилган фуқаролиги бўлмаганларга фуқаролик олиш учун узлуксиз 5 йил яшаш талаб этилмайди.



Бахт ижодкори

Матонат буюк кучга эга. Мана шундай букилмас тиргак соҳиблари йўлларида дуч келган қийинчиликларни, тўсиқларни тан олмайди. Айнан улар ўзларининг сабри, гўзал хулқи, истеъдоди билан ҳаётга мазмун бағишлайди.

Амалий санъат соҳасида самарали фаолият олиб бораётган Барно Назруллаева ана шундай истеъдод соҳибаларидан. Қўли гул хунарманднинг ижод намуналарини кўзатар эканмиз, унга ҳавасимиз ортди. Ахир кўпчилигимиз арзимаган сабабларни рўқач қилиб, меҳнатдан қочамиз. Ёки иш йўқ, пул йўқ дея ҳаётнинг енгил йўлларида кетамиз.

Келинг, яхшиси, имконияти чекланган бўлса-да, ўз истеъдоди билан юксакларга парвоз қилаётган қаҳрамонимиз билан яқиндан танишсак. Барно Жиззах вилоятида таваллуд топган. Шифокорлар унга бош мия фалажлиги ташхисини қўйган. Гўдаклик даврида касаллик аломатлари сезилмаганди. Аммо йиллар ўтиб, бу дард ўзини секин-аста намоеън қила бошлади. Натижада қаҳрамонимиз юролмайд қолган ва олтинчи синфдан сўнг таълимни уйда олишга мажбур бўлган. Тенгдошларидан ажралиб қолгани ҳам, танасига ўз ҳукмини ўтказаётган дард ҳам Барнони сира тушқунликка туширмади. Аксинча, у ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун интилиши, янада кучли бўлиши кераклигини биларди.

Рассомлик ва тикувчиликка бўлган қизиқиши бир хунарнинг этагини маҳкам тутишига сабаб бўлди. У халқ амалий санъатининг

матога ишлов бериш ва дизайн йўналишида ижод қилиб, кўзни кувнатадиган намуналар яратди.

— Юролмайд қолганим мени синдириб қўймади, — дейди Барно Назруллаева. — Бир синов ортида бир яхшилик борлигига ишониб, ўзимни кашф этишга уриндим. Жамиятда ўз ўрнини топиш, юртга керакли инсон бўлиш истаги хунармандчиликда янги ғоялар кашф этишимга туртки бўлди. Мунчоқлардан картина тика бошладим. Мана шу хунарим олға бошлашига ишонардим.

Барно кейинчалик мунчоқ билан фақатгина матога эмас, кулолчилик идишлари, яъни лаганларга ҳам безак бера бошлади. Барно бугунги кунда якка тартибдаги тадбиркор сифатида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Шунингдек, республикамиз бўйлаб ўтказиб келинаётган кўплаб фестивал, туризм кўргазмаларида ижод намуналари билан фаол қатнашиб келмоқда. Кувонарлиси, кўплаб шоғирларга амалий санъат сирларини ўргатади. Улар орасида ўз хунари билан танилиб келаётган ёшлар талайгина.

Барно бир қўлда ижод қилгани боис бир асарнинг яратилишига икки ой, баъзан ундан ҳам кўп вақт кетади. Ўзининг таъкидлашча,

яратган ишидан кўнгли тўлмаса, қайтадан тикади. Тиришқоқ қаҳрамонимиз сифатли иш яратмагунча, меҳнат қилаверади. У мумтоз адабиётимизнинг ҳам ихлосманди, китобга бўлган меҳри баланд. Буни сеvimли асарлари орасида Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий, Нодирабегим каби буюк сиймоларнинг суратлари жой олганидан ҳам англаш мумкин.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Изланишлари самараси ўлароқ, Барно 2018 йилда “Амалий санъат — истиқболли ёшлар қўлида” республика ёш хунармандлар танловида “Энг яхши хунарманд” йўналишида ғолиб бўлди. Шунингдек, туризм соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси учун Президентимизнинг махсус совғасини қўлга киритди. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Чекка бир қишлоқда яшаган, имконияти чекланганлиги боис, тенгдошлари қатори таълим ололмаган бир қизнинг шунчалик ютуқларга эришгани барчани кувонтиради. Ахир ундаги интилиш, матонат ҳавас қилса арзигulik. Ўқишга бўлган қизиқиши уни янада интилишга ундади. Ҳозирда у Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида давлат гранти асосида таълим олмақда.

Барно ўз бахтини мана шундай яратди. Интилувчан қаҳрамонимиз дардни тан олмайди. Доим излашнида. Шундай экан, уни бундан ҳам юқори ютуқлар кутаётганига ишонамиз.

Феруза Жўраева

Замонавий ҳисоблагичлар — қулайлик гарови

Аҳолига сифатли ва узлуксиз коммунал хизмат кўрсатиш, имкон қадар одамларни рози қилиш бугунги куннинг асосий талабидир. Буни юракдан чуқур ҳис этган газ таъминоти ходимлари қўлни қўлга бериб, аҳолига намунали хизмат кўрсатишни ўз олдларига асосий вазифа қилиб қўйишган. Бу борада “Сирдарё Худудгазтаъминот” филиалида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

Ҳозирда вилоятда жами 114 143 та табиий газ аҳоли истеъмол сони бор бўлиб, шундан 53 475 та хонадон замонавий газ ҳисоблаш ускуналари билан таъминланган. Айни пайтга келиб филиал пайвандчилари томонидан худудгазтаъминотининг 8-фармоишига асосланган ҳолда кунига 400 га яқин замонавий газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилмоқда.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурига киритилган 13 та маҳаллага 5 441 дона электрон газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатиб берилди. Чунончи, Гулистон шаҳридаги “Янги ҳаёт”, “Улуғ йўл” маҳаллаларига жами 2770 дона, Янгиер шаҳридаги “Шодлик” ва “Маърифат” маҳаллаларига 3713 дона, Ширин шаҳридаги Мирзо Улуғбек ва “Дўстлик” маҳаллаларига 1625 дона, Оқ олтин туманидаги Навоий маҳалласига 696 дона, Боёвут туманидаги “Янги-обод” маҳалласига 565 дона, Гулистон туманидаги “Шарқ ҳақиқати” маҳалласига 45 дона, Сирдарё туманидаги “Фаровон” маҳалласига 530 дона, Сайхунобод туманидаги Паймард ва Синтоб маҳаллаларига 1363 дона, Ховос туманидаги “Гулбахор” маҳалласига 1060 дона, Мирзаобод тумани Мирзо Улуғбек маҳалласига 1027 дона электрон газ ҳисоблагич ускуналари ўрнатилди.

— Ишлар бир маромда олиб бориляпти, — дейди биз билан суҳбатда “Сирдарё Худудгазтаъминот” филиали директори Жаҳонгир Хидиров. — Ушбу жадаллик билан олиб борилаётган ишларимизни жорий йилнинг 1-сентябрига қадар ниҳоясига етказамиз. Бу бизнинг жонажон мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига муносиб тўғнамиз бўлади.

Дарҳақиқат, газ таъминоти жамоаси ходимлари айни дамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 сентябрдаги “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш ва аҳолини узлуксиз ва сифатли газ билан таъминлашни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. Демакки, барча саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадларга қаратилганлиги айни мудао.

А.БОЙМУРОД



ТЕХНИКА ВА ТИЛИМИЗ

Ўзбекистон миллий метрология институти Самарқанд филиалида бўлиб ўтган маънавий-маърифий учрашувда соҳага доир қабул қилинган фармон, қарор ва меъёрий ҳужжатлар юзасидан тарғибот олиб борилди.

Суҳбат давомида давлатимиз раҳбарининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурдаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фао-

лиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Шунингдек, тадбирда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш ҳамда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш борасида филиал раҳбари Азизбек Турдиев

олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб, ходимларга давлат тилини чуқур ўрганишлари учун зарур шарт-шароит мавжудлигини таъкидлади.

Филиал раҳбари ушбу йўналишдаги вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги масъул ходимлари билан ҳамкорликда бир қатор ўрганишлар ўтказилганлиги, унда маънавий-маърифий ишлар ва давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича ходимларга белгиланган талаблар асосида фаолиятни даво эттириш бўйича тавсиялар берилганини эслатиб ўтди. Тах-

лиллар асосида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб олинганлиги айтиб ўтилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Самарқанд филиали худуддаги барча ташқи ёзувлар, лавҳалар, эълонлар ва кўргазмалар бошқа ахборот матнларининг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, лотин ёзувига асосланган

ўзбек имлосида ёзилган. Иш юритиш ҳам давлат тилида ташкил этилиб, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиб келинмоқда.

Тадбир сўнггида ходимларнинг расмий ҳужжатлар, гувоҳнома (сертификат), баённомаларни ёзишда ўзбек адабий тили меъёрлари, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси асосида олиб борилиши давлат тилида иш юритиш меъёрий ҳужжатлари талаби эканлиги алоҳида таъкидланди.

Азамат Тўраев

ЭЪЛО

Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи томонидан 2019 йилда Фатхуллова Гўзалхон Илхомжон қизига берилган К № 0370586 рақамли диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ҚИСКА САТРЛАРДА ЎҚИҲ!

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда Гидрометеорология факультети ташкил этилади.



МИЛЛАТНИ

жарликка етакловчи

ИЛЛАТ

Бугун дунёда миллатни жарликка етакловчи иллат ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг барча жабҳаларини забт этди. Ер куррасининг бир чеккасида бўлаётган хоҳ ижтимоий, хоҳ сиёсий бўлсин, ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларни бевосита кузатиб бориш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаяпти. Хўш, бу каби тармоқлар жамият орасида кундан-кунга кўпайиб борса, келажакда қандай “мева” беради? Демокримизки, одамлар учун фойдаси кўпми ёки зарари..?

Амакимнинг айтишича, илгари ота-оналар фарзандлари билан соатлаб суҳбатлашар, уларнинг келажаги, орзулари ҳақида гаплашар, муаммолари бўлса, уларни ҳал қилишга қаратилган керакли маслаҳатлар ҳар куни кечқурун бобом томонидан берилар экан. Дастурхон атрофида ҳамманинг фикрини эшитиб бўлган бобом энг мақбулини танлар, ўғилларига шу йўлдан боришни белгилаб бераркан. Ҳалигача, отам, амакиларим бир ишни бошлашдан олдин бобомдан маслаҳат олишга боришади...

Умуман, ҳозирги ёш ота-оналар фарзандларига қанча вақт ажратяпти? Биз тенгги йигит-қизлар оила катталаридан маслаҳат олишяптими? Афсуски, бугун бу борада масала юқорида айтганимизнинг ярмичалик ҳам эмас. Бу қадриятлар сезиларли даражада пасайган, баъзи оилаларда бундай анъана ва одатлар умуман йўқолиб кетган.

Бундай аянчли ҳолатнинг сабаби ўзингизга ҳам маълуму машҳур телефон ва ундаги зарарли тармоқлар. Хусусан, Тик Ток яқин бир икки йил ичида жуда кенг оммалашган ижтимоий тармоқлардан. Унда инсон ўзининг кимгадир керакли, кимгадир кераксиз иқтидорини қисқа видеороликлар орқали намойиш этади. Тик Токдан шахсан фойдаланиб кўрган инсон сифатида шунини айтишим мумкинки, ундан бир фойдаланишда камида бир соат вақтимни сарфлайман. Бу — битта одам камида бир кунда икки уч соат телефондан фойдаланади дегани. Аниқроқ айтсак, бир ўсмир бир суткалик умрининг 10-15 фоизи дегани. Фақат Тик Ток учунгина... бошқа тармоқларни, заруратни кўшиб ҳисоблаганда қанча вақт кетишини эса ўзингиз ҳисоблайверинг! Афсуски, бу ҳисоблар умумий ижтимоий тармоқлардан фойдаланганларнинг энг кам фоиздаги кўрсаткичидир.

Бундан олдин ҳам телефондан кўп фойдаланиш соғлиқ учун жуда зарарли эканини кўп

дан-кўп эшитганмиз, бундан кейин ҳам эшитамиз, албатта. Лекин бу оммавий манқуртликка қачон жиддийроқ ёндашамиз, қачон миллатимизнинг, Ватанимизнинг эртаси, келажаги бўлган ёшларнинг тарбиясига эътибор қаратамиз?! Бу аччиқ ҳақиқатни, тўғрироғи, миллатни жарликка етакловчи иллатни даволашнинг бирдан-бир йўли, аввало, тарбияни катталар ўзидан бошлаши, кейин уларнинг ортидан эргашувчи ёшларни, ўсмирларни тартибга чақириши, телефон ва шу каби хавфли машғулотлар (“Плестейшн” ва.ҳ.к) дан камроқ, иложи бўлса, эсини таниб, оқ-қорани ажратадиган даврига келгунча умуман фойдаланмасликка ундаши керак ва шарт! Зеро, халқимиз айтганидек “Қуш уясида кўрганни қилади”. Аксарият ҳозирги ота-оналаримиз ишдан кеч келади. Уйда ҳам телефондан бўшамайди. Бола билан гаплашиб ўтириш у ёқда турсин, унинг саволларигада тўғри, тўлиқ жавоб бермайди. Баҳонаси — яшаш учун кураш.

Бир ҳафталар олдин бир курсдошим билан телефон ҳақида суҳбатлашиб қолдим. У телефон параметри (настройкаси)да “Рақамли мувозанат” (ота-она назорати) номли программа борлигини айтди. Ўша программа бир суткада телефондан қанча вақт, нималардан фойдаланганлигини ҳисоблаб, назорат қилиб борар экан. Мен биринчи, шунчаки, оддий дастур деб ўйлаган эдим, лекин адашган эканман. Кейин бир курсдошимизнинг те-

лефонидан ўша дастур орқали бир кунда 8 соат фойдаланишини билдик. Табиийки, мен ҳам ундан кам фойдаланмайман. Яъни, умримнинг энг гуллаган даврини телефонда ўтказяпман!

Бошқа дўстларимиздан ва ўрта ёшлилардан ҳам сўровнома ўтказдик. Сўровномадан 7 соат, 6 соат, энг ками 5 соат деган жавоб олдик. Умумий хулоса шу бўлдики, ўртача бир кунда телефондан фойдаланиш вақти 6 соатни ташкил қилди. Бу бир сутканинг 30-40 фоизи дегани. Уйқу учун 7-8 соат вақт кетса, овқатланишлар ва бошқа эҳтиёжлар учун 3 соатлар кетади, демак, деярли бир кунда ўрта ёшдагилар дастлаб ўзи учун, кейин бошқалар учун бирор бир фойдали иш қилишига атғи 8 соат қоляпти. Бунда уларнинг иш кунини ҳисобласак, ундан ҳам кам. Алалхусус, умримизнинг ярмидан кўп вақти телефон ва унинг тармоқларига сарф бўлаётир...

Ёшларда эса бу кўрсаткич бугунги кунда аянчли аҳволга келиб улгурган. Юқоридаги айтиб ўтилган дастурнинг нафақат ота-оналар фарзандларининг, балки ўзларининг телефондан фойдаланиш вақтини ва одобини назорат қилиш ва тартибга солишда катта ресурс эканлигини олимлар исботлашди.

Булар шунчаки олди-қочди гаплар эмас, балки аниқ фактлардир. Сал эътиборли бўлайлик, пул, бойлик орттираман деб келажак ёшларнинг умрини бир матоҳ туфайли хазон қилмайлик. Зеро, биринчидан, оиламиз, кейин миллатимиз, халқимиз умид билдираётган ёрқин келажак ёшлар қўлида!

Акбарали АБДУҒАФФОРОВ,
“Жамият” маҳорат мактаби
тингловчиси



Аслида, интернет, айниқса, ижтимоий тармоқларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад илм олиш имкониятларини осонлаштириш, одамларнинг узогини яқин қилиш, ўзаро муносабатларда қулайлик яратиш эди. Бироқ бугунги кунга келиб, уларнинг вазифалари тобора кенгайиб, мақсадлари ҳам турланиб бормоқда.

Қайд этиш жоизки, ҳозирда ижтимоий тармоқлар илм-маърифат ва зиё тарқатишнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. Хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тизимидаги масжид, мадраса, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда имом-хатибларимиз веб-саҳифалари орқали халқимизга ва бутун дунёдаги ўзбекзабон мусулмонларга диний-маърифий маълумотларни етказиш имконига эга бўлишмоқда. Бироқ ҳар нарсанинг яхши ва ёмон тарафи бўлганидек, сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларнинг ҳам жиддий хатарлари юзага чиқмоқда. Жумладан, айрим ёшларнинг интернетдан ноўрин фойдаланаётгани, аянчли иллатларни тарғиб этаётганини кузатишимиз мумкин.

Ижтимоий тармоқ орқали фикр билдириш ва бунинг ортидан мақтов — “лайк”ларни қўлга киритишга уриниш бугунги ёшларини тобора ўз домига тортмоқда. Бунинг салбий томони шундаки, фойдаланувчи бундай “лайк”ларни яна ва яна олишни истайди ва роҳатланади.

Албатта, ижтимоий тармоқни буткул ёмонга чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Ижтимоий тармоқ ҳам телевидение, радио каби бир восита. Уни яхшиликка ишлатса — яхши.

Кунини кеча Тик Ток ижтимоий тармоғи орқали айрим зиёли, халқ орасида обрў-эътибор қозонган аҳли илм, имом, уламо-ларни масхаралаб, обрўсизлантиришга қаратилган лавҳа ҳар бир мусулмон кишини қалбини ларзага келтирди.

Айтиш жоизки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг одамларни ҳаққа чақирадиган, билимсизларга таълим берадиган, адашганларни йўлга соладиган ва халқ орасида бидъатлар тарқалишининг олдини оладиган зотлар уламолардир.

Омма олдида имомни беҳурмат қилиш, обрўсини тўкиш ҳаром амал ҳисобланади.

Аҳли сунна эътиқодига кўра, мусулмон катта гуноҳни қилиш билан диндан чиқмайди, лекин динни, уламо-ларни беобрў қилиш ва масхаралаш билан диндан чиқиш хавфи бор. Чунки уламо-лар дин номидан гапирувчи шахслардир. Уларга отилган тош динга, пайғамбарга отилган ҳисобланади.

Уламо-ларимизни ҳурматлашни, уларга манфаат етказиш қўлимиздан келмаса, зарар беришдан сақланишни ёшларимизга ўргатайлик. Айнан, ҳозирги глобаллашув даврида миллий ва умуминсоний қадриятларни ўсиб келатган ёш авлоднинг онгига сингдириш, “оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантириш долзарб масаладир.

Кўпгина мусулмон давлатлари ва ҳаттоки айрим Ғарб давлатларида ҳам Тик Ток блокланган. Тўғри, айримлар бу шунчаки кўнгилочар тармоқ дейди ва бундан ҳеч қандай хавотир йўқ дейишади. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор, биз ёшларимизни, фарзандларимизни йўқотиб қўймоқдамиз. Улар ҳам онгли, ҳам жисмонан ривожланиш ўрнига борган сари таназзулга учрашмоқда ва бу ДАҲШАТ. Алҳамдулиллаҳ биз мусулмонимиз, лекин мусулмонликни даъво қилиб туриб мана бу видеоларга индамай кўз юмагимиз афсус.

Бундай видеолар Тик Ток тармоғида кўпайиб бормоқда ва ҳозирги кўраётган видеоларимизнинг юздан бири, деса ҳам бўлади. Тик Токни жазолаш вақти келмадимикан, дўстлар ???

Бобур МАМИРОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилояти Кенгаши
раиси



Ректор ўқувчилар ҳузурида

Президентимизнинг “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” фармони “маҳаллабай” ишлаш механизмини муҳим босқичга кўтармоқда. Унга асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан эндиликда олий таълим муассасалари маҳалла фуқаролар йиғинларига манзилли тарзда бириктириляпти.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Машинасозлик факултети ташаббуси билан Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 224-сонли умумий ўрта таълим мактабида ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида “Беш муҳим ташаббус — ёшларга қанот” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори Садриддин Турабжонов, ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мирзо Карим, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри директори ўринбосари, актёр Хайрулла Иноғомовлар иштирок этди. Мактабда ёшларни касбга ўргатиш, билим ҳамда қизиқишларидан келиб чиқиб, дастлабки босқичда ёшлар ИТ-тех-

нологиялари, математика, физика, бўйича тўғарақларга қамраб олинган. Дастлаб меҳмонлар мактабда фаолият юртитаётган тўғарақлар ва уларда ўтилатган дарс жараёнлари билан танишди.

— Давлат ва жамият бошқарувида ҳам, бизнесни тараққий эттиришда ҳам, умуман, барча соҳа ривожидида салоҳиятли ёшлар муҳим ўрин тутати, — дейди ТДТУ ректори Садриддин Турабжонов. — Сабаби улар жамият учун “янги қон” вазифасини ўтайди. Янгидан-янги ташаббус-ғояларни илгари суриш, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда ана шу қатламнинг нуқтаи назари ва сазой-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис бугунги кунда юртимизда замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг камол топишида, бўш вақтини мазмунли ўтказиб, мақсади сари қадам ташлашида барчамиз бирдек масъулмиз.

Шоир Мирзо Карим, актёр Хайрулла Иноғомовлар ҳам ўз навбатида барча соҳаларнинг ривожланиши таълим билан боғлиқлиги, қолаверса, “Учинчи ренессанс” пойдеворини мустақамлашда билимли, ўзлигини англаган ёшларга талаб куччилигини таъкидлаб ўтди.

Тадбир сўнггида С.Турабжонов мактаб кутубхонасига китоблар жамланмасини совға қилди. Ёшларга қанот бўлаётган ташаббус доирасидаги тадбирлар Олмазор туманининг бошқа мактабларида ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Баҳром ИБРАГИМОВ,
ТДТУ Машинасозлик факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини



Онажон

*Онажоним, меҳрибоним — сиз қалбимнинг гавҳари,
Умримнинг мазмунисиз, ҳаётимнинг посбони.
Сиз-ла умрим чароғондир, гўзалроқдир губорсиз,
Бахтимизга омон бўлинг, иймонимсиз шубҳасиз.*

*Онажоним, пойингизга гўлдан тушай пояндоз,
Қанча ёзсам шеърү фазал, камлик қилар, шунча оз.
Меҳрингизни куйлашимга сўзим етмас, тилим лол,
Тафти буюк онажоним, бизни дея қадди дол.*

*Онажоним, балки армон дилингизни ёққандир,
Самолардан акам, синглим сизга кулиб боққайдир.
Фарзанд доғи вужудингиз минг пора доғлаганда,
Сабру бардош ёмғири юпанч бўлиб ёққайдир.*

*Бағрингизда қолганлари доимо бўлсин омон,
Акам, укам — жигарларим гулу-чаман ва райҳон.
Ёнингизда бормиз мудом, дуо қилинг, меҳрибон,
Дуолари ярашганим бадавлатим онажон.*

Гулистон ТўРАЕВА,
Навий вилояти

Обуна индекси - 131



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш давлат қўмитаси.
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Адҳам Бекмуродов
Акмал Саидов
Нуриддин Убайдуллаев
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ақтам Хайитов
Нарзулло Обломуродов
Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-608

Адади: 2016.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2

босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Дилбар Маҳмудова

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА якуни:
Топширилган вақти: 19:00
1 2 3 4 5 6

Бизни
BONG.UZ
Сайтида кузатиб боринг!

**ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢГ!**

Тошкент давлат юридик университетида суҳбат натижасида кирганлар грант асосида ҳам ўқиши мумкин.